



ISSN 2181-9491  
Doi Journal 10.26739/2181-9491

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ

---

## ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

---

### JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

№2 (2019)



TOSHKENT-2019

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491>  
**Иқтисодиётда инновация журналі/Журнал инновация в экономике/  
Journal of innovation in economics**  
№2 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-5>

**Бош муҳаррир  
Главный редактор  
ChiefEditor**  
академик  
Гулямов Сайдахарар  
Саидахмедович

**Бош муҳаррир ўринбосари  
Заместитель главного редактора  
Deputy ChiefEditor**  
**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(Doctor of Philosophy in Economical Science)**  
Вохидова Меҳри Хасановна

**"Иқтисодиётда инновация" журналі тахририй маслаҳат кенгаши  
International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics  
Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси./Экономическая теория./Economictheory.**  
И.ф.д. Назаров Ш.Х.  
Сайфуллаева М.  
Маматкулов И.А.  
Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University.  
Faculty of EconomicsNanuli Khizanishvili

**08.00.02-Макроиқтисодиёт./Макроэкономика./Macroeconomics**  
И.ф.д.Худайназаров А.К.  
PhD. Валиев Б.  
Сафарова Н.Н. Доктор туристических наук,  
Телавский государственный университет (Грузия) Зубиташвили Тамар

**08.00.09 - Жаҳон иқтисодиёти./Мировая экономика./Worldeconomy**  
И.ф.д., профессор, Мурадова Х.М.  
И.ф.д. Шарифхўжаев Ш.О.  
И.ф.н.Сардор Азам  
PhD. Вохидова М.Х.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти./Демография. Экономика труда./Demography.  
Labor Economics**

**08.00.13-Менежмент./Менеджмент./Management**  
академик Гулямов С.С.  
И.ф.д., профессор, Умурзаков Б.Х.  
Каршиев М.Э.  
Маматкулов И.

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица  
Меҳригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,  
Mehrigiyo Street, 1-A.  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENTS

<b>1. Karimov Diyor, Khamraev Askar.</b>	
Risk management system in customs control of the Republic of Uzbekistan.....	4
<b>2. Vohidova Mekhri Khasanovna.</b>	
Directions of improvement of technology park activity in Uzbekistan.....	11
<b>3. Mamatov Kodirzhon Bakhodir ugli.</b>	
Features Russian-Chinese banking and financial relations.....	18
<b>4. Ruziev Shakhboz Nabijon ugli.</b>	
Priority areas of the World Trade Organization for the protection of intellectual property rights.....	24
<b>5. Mamatov Kodirzhon Bakhodir ugli.</b>	
The current state of Russian-Chinese trade and economic cooperation.....	31
<b>6. Khaydarova M.Sh.</b>	
The factors affecting the development of labor market in the conditions of innovative economy.....	36
<b>7. I.M.Alimardonov, Sh.T.Ibodullayev.</b>	
Current issues of introducing innovative products in practice of domestic banks.....	41
<b>8. Xakimjanov Sardor Mahmud ugli.</b>	
World ratings and indices as a method in assessing the state of political security.....	48
<b>9. Niyazaliev Jasur.</b>	
The role and place of information and communication technologies in the modern world economy.....	54

---

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ**  
**JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS**

---

**Каримов Диёр Мухтарович,**  
Иқтисод фанлари номзоди, доцент,

**Хамраев Асқар Мухиддинович,**  
Мустақил тадқиқотчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-2-1>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА**  
**НАЗОРАТИДА ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ**

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ҳаракатланган товарлар, божхона қоида бузилиш ҳолатлари, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни, экспорт ва импортда товарларни расмийлаштириш учун сарфланадиган вақт таҳлил қилинади. Шунингдек айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** экспорт, импорт, ташқи иқтисодий фаолият, хавф, хавф профили, божхона назорати, хавфни бошқариш тизими, божхона юк декларацияси, электрон ахборот алмашуви.

**Каримов Диёр Мухтарович,**  
Кандидат экономических наук, доцент,

**Хамраев Асқар Мухиддинович,**  
Независимый исследователь

**СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ В ТАМОЖЕННОМ**  
**КОНТРОЛЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Аннотация:** В статье приводится анализ товаров, перемещающихся через границу Республики Узбекистан, нарушения таможенного законодательства, место Узбекистана в международных рейтингах и сроки оформления товаров при экспорте и импорте, а также некоторые проблемы и их решения.

**Ключевые слова:** Экспорт, импорт, внешнеэкономическая деятельность, риск, профиль риска, таможенный контроль, система управления рисками, грузовая таможенная декларация, электронный обмен данными.

**Karimov Diyor Mukhtarovich,**  
Candidate of economic sciences, docent,

**Khamraev Askar Mukhitdinovich,**  
Independent researcher

## **RISK MANAGEMENT SYSTEM IN CUSTOMS CONTROL OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Abstract:** The article provides an analysis of goods moving across the border of the Republic of Uzbekistan, violations of customs legislation, the place of Uzbekistan in international ratings and terms of clearance of goods during export and import, as well as some problems and their solutions.

**Key words:** Export, import, foreign economic activity, risk, risk profile, customs control, risk management system, customs declaration, electronic data interchange.

**For citation:** Karimov Diyor, Khamraev Askar. Risk management system in customs control of the Republic of Uzbekistan. Journal of innovations in the economy. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 4-10

### **Кириш**

Сўнги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Лекин, Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда сўнги ўринларни эгаллаб келмоқда. Бунга ечим сифатида божхона назоратида замонавий ёндашувлардан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган, хусусан божхона органларида Хавфни бошқариш тизими(ХБТ)ни жорий этиш. Аммо мазкур тизимдаги муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги олиб борилаётган ислохотларни амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда.

Президентимиз томонидан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича "яшил" ва "қизил" йўлак тизимини амалиётга татбиқ этиш вазифаси юклатилган эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга доир Давлат дастури" тўғрисидаги 5308-сонли фармонида Божхона назоратида хавфни бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича ишларни амалга ошириш келтириб ўтилган.

Бугунги кунда божхона органларида жорий этилаётган ХБТ товарлар ҳаракатини тезкор тартибга солишнинг оптимал ечими сифатида қаралмоқда. Лекин мазкур тизимда мавжуд муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) субъектларининг божхонада ортиқча вақт сарфлашини келтириб чиқармоқда.

**ХБТ** - мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда "ялпи" божхона назоратидан ўтказишдан воз кечишни назарда тутати. Бу тизим мавжуд маълумотлар асосида шакллантирилган профил ва алгоритмлар асосида тешириш лозим бўлган товарларни автоматик равишда аниқлайди.

**Хавф** - божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси ҳисобланади.

**Хавфни бошқариш** - хавфнинг олдини олиш ва уларни имкон қадар камайтириш, уларнинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек

божхона операцияларининг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, божхона органларида мавжуд бўлган ахборотнинг узлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи доимий ишлар [1].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мазкур тизим бўйича мамлакатимизда ва хорижда тадқиқод ишлари олиб борилган. Республикаимизда Давлат божхона қўмитаси божхона институти тингловчиси А. Йўлдошев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистранти И.Сейдеметов томонидан хавфни бошқариш тизими ўрганилган.

**Божхона институти тингловчиси А. Йўлдошев фикрича, Хавфнинг бошқариш тизимининг асосий элементлари қуйидагилардир:**

- Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва улар билан ишлаш. Мазкур элемент Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида турли манбалардан олинган маълумотларни жамлаш ва улар устида ишлашни назарда тутуди;

- Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказилаётган товар ва транспорт воситалари статистик маълумотларини йиғиш, ўрганиш ва товар жўнатувчи (қабул қилувчи) мамлакат статистик маълумотлари билан солиштириш;

- Юк жўнатувчи (олувчи) мамлакатнинг ҳамкорлиги иқтисодий ишлаб чиқариш салоҳияти ҳақидаги маълумотларни таҳлилий ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органларидан ёки чет эл божхона органларидан тушган маълумотларни жиддий ўрганиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг тезкор - қидирув фаолият билан шуғулланувчи бўлимлари ахборотлари, ҳамда божхона қонунчилигининг бузилишлари тўғрисидаги махсус статистикаси маълумотларини таҳлилий ўрганиш;

- Божхона қонунчилигига оид жиноятларни таҳлил қилиш;

- Экспорт-импорт операцияларига оид товарлар эгаси ёки мазкур товарларга нисбатан юридик жиҳатдан ваколати бўлган юридик ва жисмоний шахслар фаолиятига доир ахборот -маълумотларни синчковлик билан ўрганиш;

- Божхона брокерлари, декларантлар БЮД расмийлаштируви бўйича мутахассислар, божхона оморлари эгалари, ҳамда юк ташувчилари фаолиятига жиддий эътибор қаратиш;

- Ташқи иқтисодий фаолият борасида тузилган шартномалар ва ТИФ иштирокчиларининг мазкур шартномалар бўйича ўзаро ҳисоб - китоблари таҳлили;

- Транспорт - логистик фаолият схемалари таҳлили. [2].

**Шунингдек Давлат бошқаруви академияси магистранти И.Сейдеметов ҳам мазкур мавзу бўйича тадқиқод олиб борган. Унинг фикрича хавфни бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

Хавфни бошқариш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиб. **Жумладан:**

хавфни бошқариш тизими фаолиятини таъминловчи ягона ахборот маконини яратиш;

хавфларни аниқлаш услубиётини (дастурларини) ишлаб чиқиш;  
юзага келиши мумкин бўлган (потенциал) хавфларни аниқлаш  
ва уларни қайд этиш;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш;

юзага келиши мумкин бўлган (потенциал) ва аниқланган хавфларнинг оқибатларини баҳолаш;

хавфларни минималлаштириш ёки олдини олиш имкониятларини аниқлаш ҳамда талаб этилайдиган ресурсларни белгилаш ва уларни тақсимлашда энг муқбўлини танлаш;

қўрилаётган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

хавфларни камайтириш ёки олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;

хавфларни камайтириш ёки олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалда қўлланилишини назорат қилиш;

хавфни бошқариш бўйича амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш ва бошқарув қарорларини мувофиқлаштириб бориш;

божхона назорати стратегиясини такомиллаштириш мақсадида алоҳида божхона назорати шакли ёки бир нечта назорат шакллари йигиндисининг қўлланилиш натижалари ҳамда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларнинг бузилишига олиб келувчи сабаб ва оқибатлар бўйича маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш [3].

ХБТ бўйича Россия божхона академиясида кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Россия Федерацияси Бошқарув ва иқтисодиёт олий мактаби талабаси А.А.Бухмастов фикрича Хавфни бошқариш - божхона назорати шаклининг замонавий тамойили бўлиб, божхона органлари ресурсларидан оптимал фойдаланиб, самарадорликни камайтирмасдан, ортиқча бюкратизмдан ТИФ иштирокчиларини озод қилишни назарда тутди [4].

### **Тадқиқот методологияси**


Мазкур мақолада мавзуга доир миллий ва хорижий тадқиқодчиларнинг диссертация, мақолаларини таҳлил қилиш ҳамда ёндашув ва қарашларини тадқиқ этиш, уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш, шунингдек омили, қиёсий ва статистик таҳлилдан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Сўнги йилларда республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринларини яратишга оид кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2018 йилда мазкур соҳаларга оид 13 та қонун, 395 та қарор, 42 та фармон ва 38 та идоралараро қўшма буйруқлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотларига қўра, товар ва транспорт воситаларига расмийлаштирилган божхона юк декларацияларини қўйида қўришимиз мумкин [5]:

1-Диаграмма




**Божхона юк декларациялари сони (минг дона)**

Ушбу диаграммадан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари сони ортишини келтириб чиқармоқда. Бу эса божхона назоратида янгича ёндашув ва шаклларни жорий этиш заруратини кўрсатмоқда.


Шунингдек, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган "Doing business" рейтингда Ўзбекистон 190 мамлакат орасидан 2016 йилда - 82, 2017 йилда - 87, 2018 йилда - 74 ва 2019 йилда - 76 ўринни эгаллаган.

Шу билан бирга, "Doing business-2019" рейтингда Ўзбекистонда экспорт ва импортда ҳужжатлар расмийлаштириш учун сарфланадиган вақтни қўйида кўришимиз мумкин [6]:

2-диаграмма



2-диаграмма



**Импортда вақт сарфи (соат) Экспортда вақт сарфи (соат)**

Юқоридakilardan шуни айтиш мумкинки, экспорт ва импортда барча ҳужжатлар алмашишуви электрон тарзда амалга оширилаятгани, тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар камайтирилгани ҳамда ортиқча расмиятчиликдан воз кечилаётганлиги, амалда натижасини кўрсатмаяпти.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 9 ойи давомида 7923 та божхона қоида бузилиши ҳолатлари аниқланган бўлиб, 94 млрд сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 38 кг гиёҳвандлик, 507 дона психотроп моддалар, 30 та қурол ҳамда 8 мингдан ортиқ диний адабиётлар аниқланган.



Шунингдек 311 961 та божхона кўриги амалга оширилши натижасида 233 та қоида бузилиши ҳолатлари аниқланган. Бу эса жами амалга оширилган божхона кўриқларининг 0,07 фозини ташкил этади [7].

Бугунги кунда божхона органларида жорий этилаётган ХБТ товарлар ҳаракатини тезкор тартибга солишнинг оптимал ечими сифатида қаралмоқда. Лекин мазкур тизимда мавжуд муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги ТИФ субъектларининг божхонада ортиқча вақт сарфлашини келтириб чиқармоқда.

**ХБТ** - мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда "ялпи" божхона назоратидан ўтказишдан воз кечишни назарда тутди. Бу тизим мавжуд маълумотлар асосида шакллантирилган профил ва алгоритмлар асосида тешириш лозим бўлган товарларни автоматик равишда аниқлайди.

Божхона органларида ХБТни жорий этилиши республикамиз чегараси орқали ҳаракатланаётган ноқонуний товар-моддий бойликларнинг айланишини олдини олиш билан бирга, ўзида ҳам бир қатор муаммоларни сақлаб турибди:

**Биринчидан**, норматив ҳуқуқий базадаги камчиликлар. Албатта, ҳар қандай амалга оширилаётган ислохотлар учун биринчи навбатда ҳуқуқий асос ишлаб чиқилиши лозим. Бунда ҳуқуқ, вазифалар, мажбуриятлар ва жавобгарлик масалалари кўрсатиб ўтилади.

Жумладан, жорий йилнинг февраль ойдан белгиланган талабларга жавоб берувчи ТИФ субъектига ВИО мақоми берилмоқда. Лекин уларга қўйиладиган талаб, мажбурият ва жавобгарликлари бўйича божхона кодексига норма мавжуд эмас.

**Иккинчидан**, божхона органларининг сифатли маълумотлар билан таъминланмаганлиги. Маълумот сифати деганда ўз вақтида тақдим этилиши, ишончли манбаалардан олинганлиги, ҳақиқатга мослиги ва янгилиги каби мезонларни келтириш лозим.

Хавф профиллари ва индикаторлар мавжуд маълумотлар асосида шакллантирилади. Божхона органлари учун бирламчи маълумот манбаи бўлиб ТИФ субъектлари томонидан тақдим этилаётган ахборотлар ҳисобланади. Шунингдек ташқи савдо фаолиятига оид банк, молия, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан маълумот олиш ҳам назарда тутилган.

Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган маълумотларга таяниб божхона қоида бузилишига қарши йўналишда фойдаланиш келгусида ТИФ иштирокчиси томонидан нотўғри ахборот берилишини келтириб чиқаради.

**Учинчидан**, божхона органлари электрон ахборот тизимидаги камчиликлар. Барча маълумотлар ўрганилиб керакли шаклга келтирилгач, электрон дастурга киритилади. Шундан сўнг барча вазифалар дастур томонидан бажарилади.

Электрон тизимдаги биргина узилиш ёки хатолик келгусида назорат қилиниши лозим бўлган объектни танлаш имконини бермайди. Натижада қўллаб контрабанда товарлари республикамиз ҳудудига кириб келиши учун имконият яратилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви республикамизга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган товар ва транспорт воситалари ҳажми ошишига олиб келмоқда. Бу эса мамлакатимиз ҳудуди орқали ноқонуний товар моддий бойликларнинг яширин олиб ўтишга бўлган уринишларни орғишини келтириб чиқармоқда. Келгусида божхона органларида ХБТни жорий этилиши қонун бузилиши ҳолатларини олдини олишга имконият яратади.

Бугунги кунда мамлакатимиз чегараси орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларини назорат қилиш вазифаси божхона органларига юклатилган. Келгусида бу вазифалар ХБТ орқали амалга оширилади. Бу тизимни самарали ишлаши учун эса норматив базаси яратиш, божхона органларини сифатли ахборот билан таъминлаш ҳамда электрон ахборот тизимларидаги камчиликларни бартараф этиш лозим.

## References

---

- [1] Ўзбекистон Республикаси божхона кодекси 204-модда;  
(Article 204. Customs Code of the Republic of Uzbekistan)
- [2] Йўлдошев А. Божхонада хавфни бошқариш тизимининг асослари // Битирув малакавий иш. ДБҚ БИ - Тошкент, 2018;  
(Yuldashev A. Fundamentals of customs risk management system // Graduation qualification work. DBQ BI - Tashkent, 2018;)
- [3] Сейдеметов И. Божхона назорати жараёнида хавфни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш Магистр дис. ДБА. - Т.: 2018;  
(Seydemetov I. Introduction and development of the risk management system in customs control. DBA. - T.: 2018;)
- [4] Бухмастов А. Направления совершенствования системы управления рисками при осуществлении таможенного контроля // Дипломная работа - Челябинск: ЮУрГУ, ЭУ, 2017;  
(Bukhmastov A. Directions for Improving the Risk Management System in the Implementation of Customs Control // Graduation Thesis - Chelyabinsk: SUSU, EU, 2017;)
- [5] Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси;  
(Author's works on the basis of data from the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan;)
- [6] [www.russian.doingbusiness.org](http://www.russian.doingbusiness.org)сайти маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси;  
(author's development based on [www.russian.doingbusiness.org](http://www.russian.doingbusiness.org);) )
- [7] Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлик ишланмаси.  
(Author's works on the basis of data from the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan;)

## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

**Вохидова Мехри Хасановна,**

PhD, Тошкент давлат шарқшунослик институти  
"Халқаро иқтисодий муносабатлар"  
кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-2-2>

### ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕХНОПАРК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақола Ўзбекистонда технологик эркин иқтисодий ҳудудлар ва технопаркларни ташкил этишда Хитой тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари асосланган ва Ўзбекистонда технопарклар фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш мақсадида уч босқичли дастур таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** технопарк, эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ), инновация, Хитой, "Яшнобод" технопарки, венчур ва инвестицион фондлар.

**Вохидова Мехри Хасановна,**

кандидат экономических наук,  
Ташкентский государственный институт  
востоковедения  
Преподаватель кафедры "Международные  
экономические отношения"

### НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТЕХНОПАРКА В УЗБЕКИСТАНЕ

**Аннотация:** эта статья основана на возможности использования китайского опыта организации технологических свободных экономических зон и технопарков в Узбекистане, и была предложена трехуровневая программа для организации и улучшения технопарков в Узбекистане.

**Ключевые слова:** технопарк, свободная экономическая зона, инновации, Китай, технопарк "Яшнобод", венчурные и инвестиционные фонды.

## **DIRECTIONS OF IMPROVEMENT OF TECHNOLOGY PARK ACTIVITY IN UZBEKISTAN**

**Annotation:** This article is based on the possibility of using the Chinese experience in organizing technological free economic zones and technoparks in Uzbekistan, and a three-tier program has been proposed for the organization and improvement of technoparks in Uzbekistan.

**Key words:** technopark, free economic zone, innovations, China, technopark "Yashnobod", venture and investment funds.

**For citation:** Vohidova Mekhri Khasanovna. Directions of improvement of technology park activity in Uzbekistan. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 11-17

XXI асрнинг иккинчи йигирма йиллиги мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида ислохотлар даври бўлди десак, адашмаймиз. Жумладан, мамлакатимиз эркин иқтисодий ҳудудлари (ЭИҲ) ҳам ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони [1] га мувофиқ "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар, деб аташ белгиланди.

### **ЭИҲ резидентлари учун қуйидаги имтиёзлар белгиланди:**

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар - 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ dollari ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда - 10 йил муддатга берилади.

Ўзбекистонда яна тўртта янги - Фарғона вилоятида "Қўқон", Самарқанд вилоятида "Ургут", Бухоро вилоятида "Ғиждувон" ва Хоразм вилоятида "Хазорасп" эркин иқтисодий ҳудудлари ташкил этилди.

ЭИҲларга хорижий инвестициялар салмоғини ошириш мақсадида "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон имзоланди. Бу фармон тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратишга жалб қилиш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган.

Доривор ўсимликлар хом ашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика

маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда доривор ўсимликлар хом ашёси негизда ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш мақсадида "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" сингари эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди.

Аммо мамлакатимизда ЭИХларнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш мақсадида ЭИХларнинг бошқа турларини ҳам ташкил этиш зарурлигини келтириб чиқаради. Ана шундай ЭИХнинг инновацион турларидан бири бўлган технологик ҳудудлар ёки технопарклардир. **Мамлакатимизда бундай турдаги ЭИХларни ташкил этишга тўққинлик қилаётган асосий муаммолар куйидагилардан иборат:**

- Хорижий мамлакатларда технопаркларнинг ҳуқуқий асослари "Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонун билан биргалликда, мамлакатимизда ҳали қабул қилинмаган "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ёки "Венчур фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар билан тартибга солинади. Мамлакатимизда технологик ҳудудларни ташкил этиш учун "Венчур фаолияти ва молиялаштириш" тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради;

- Ўзбекистонда технологик ҳудудларни ташкил этишдан олдин ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишнинг зарурияти;

- Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашдаги давлат сиёсатини такомиллаштириш ва бошқалар.

#### **Ўрганилганлик даражаси**

ЭИХлар, уларнинг назарий ва амалий асослари, ривожланган мамлакатларда ЭИХларни ташкил этиш тажрибаси кўплаб назариётчи ва амалиётчи тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Аммо технопарклар, уларнинг назарий ва амалий асосларини ўрганган олимлар саноқли. Жумладан, Jagunee Wonglimpiyaratнинг "The dynamic economic engine at Silicon Valley and US Government programmes in financing innovations" [2] мақоласида Силикон водийсининг ривожланиши, инновацияларни молиялаштириш бўйича давлат дастурлари ва водий муваффақиятига ёрдам берувчи ўзига хос хусусиятлар / омилларга боғлиқлигини таъкидлаган. Инновацион гуруҳларни қўллаб-қувватлаш, университет ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўллаб-қувватлайдиган инфратузилма, хавфни қабул қилишга тайёрлик маданияти, шунингдек, венчур капитали (ВС) дастурлари салоҳияти Силикон водийсидаги иқтисодий ривожланиш учун катализаторлар ҳисобланшини келтириб ўтган.

J.A.English-Lueckнинг "Silicon Valley reinvents the company town" [3] номли мақоласида Калифорния штатидаги Силикон водийси ўзининг инновацион юқори технологияли корпорациялари билан машҳур, маданий ихтироларни тадқиқ қилиш учун идеал лаборатория эканлигини, юқори технологияли ишлар бутун дунё миқёсида истеъдодли ва маданий жиҳатдан мураккаб бир жамиятни яратадиган қобилиятларни ўзгартиришга қаратилганлигини, келтириб ўтган.

Chen Linga va Barry Naughtonларнинг "An institutionalized policy-making mechanism: China's return to techno-industrial policy"[4] 2003 йилда Хитойда технология ва инновацион сиёсат кескин ўзгариб, "технологииновацион сиёсати" га қайтди ва бу саноатнинг муайян саноат тармоқларини шакллантириш бўйича тўғридан-тўғри давлат аралашувларини ўз ичига олади, дейди.

## **Таҳлил ва натижалар**

Технопарклар ёки технологик ЭИХларнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда ташкил этилаётган технопаркларнинг ривожлантириш дастакларини кенгайтиришда муҳим амалий асос бўлиб ҳисобланади. Ана шундай тажрибалардан бири Хитойнинг технопаркларни ташкил этиш ва улар орқали мамлакатда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш тажрибасидир.

**"Бир мамлакат - икки тизим" расмий сиёсатининг яққол намён бўлишини таъминлайдиган Хитой технопарклари бошқа мамлакатлар технология паркларидан қуйидаги фарқларга эга:**

- одатда sanoat зоналари ташқарисида жойлашган ва йирик илмий ва муҳандислик марказлари атрофида жойлашган;

- парклар улар жойлашган ҳудудга ёки шаҳарга яхши мослашган ва маҳаллий маъмурият билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

- Давлат қатъий сиёсий раҳбарликни, молиявий кўмакни таъминлайди ва хорижий сармоядорларни жалб этадиган паркларни бошқариш, солиқ имтиёзлари ва бошқа афзалликларни таъминлайди;

- Маъмурий-буйруқбозликдаги социалистик бошқарув усулларидан тadbirkorларни бошқаришда тобора ўзгариб туради.

Шандун вилояти, Жинан шаҳри марказида, шу жумладан, ракеталарни ҳаракатланидиган бир неча тизимлар очилди. Хитой юқори технологияларга алоҳида қизиқиш кўрсатаётган дунёдаги вазиятга зудлик билан жавоб беради. Электрон техника, янги материаллар ишлаб чиқариш, биотехнология, фото ва электротехника, янги электр энергия манбалари, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Хитой технопарклари каби соҳаларда нисбатан афзалликларга эга бўлиб, мамлакатда янги ва юқори технологияларни ривожлантириш учун муҳим марказларга айланди. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрига кўра, зоналар sanoat тузилмаларини инobatга олган ҳолда, ХХР иқтисодиётини янада оптималлаштириш ва қайта ташкил этишда тобора фаол рол ўйнайди. Технопаркларда миллий корхоналар ва қўшма корхоналар учун махсус имтиёзлар бериш шarti уларни юқори технологияли корхона мақомини олишидир. Юқори технологияли корхоналар учун даромад солиғи ставкаси 15 фоизни ташкил этади, шу жумладан, маҳсулотларни камида 70 фоизга этказиб берадиган корхоналар учун - 10 фоиз. Шунингдек, "имтиёзли таъгиллар" мавжуд: миллий корхоналар учун - бир йил муддатга, қўшма корхона учун - икки йилни ташкил этади.

Келажакда компания маҳсулотнинг 70 фоизидан кўпрогини экспорт қиладиган бўлса, солиқ имтиёзларига эга бўлади.

Хитойда илк технопарклар гоёсини амалиётга таъбиқ этишнинг намунаси - 1995 йилда Шенжен шаҳрида юқори технологиялар паркни яратиш билан бошланади.

Шенжен технопарки америка тажрибасидан кескин фарқ қилиб, янги намунадаги технопаркларнинг авлодини бошлаб беради. Хитойнинг етакчи олий ўқув юртлари (масалан, Пекинг университети), таниқли компаниялар ва фирмалар (масалан, Эпсон, Томсон ва бошқалар) технопаркда ўз ваколатхоналарини очган, катта кутубхона, банк ва бошқалар мавжуд ҳам фаолият олиб боради. Умуман олганда, бу ерда 40 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда, 8 мингта иш ўринлари яратилган. Бундан ташқари, технологик парк Хитойнинг Фанлар академиясининг таъсисчиларидан бири бўлган илмий-техникавий ёрдамни ҳам

амалга оширади. Натижада қисқа вақт ичида махсус иқтисодий зонанинг шарт-шароитлари туфайли хорижий инвестициялар жалб этилиб, технопаркнинг зарур инфратузилмаси яратилди, илмий-тадқиқот муассасалари ва хорижий техник парклар билан алоқалар тизими ташкил этилди. Янги материаллар ва биотехнология саноати учун минтақавий марказ яратилди. Технопаркнинг дастлабки инновацион лойиҳалари орасида Хитойнинг "Жучен" компьютерли тизимини яратиш, портатив рентген аппарати "Хентон" ва бошқаларни ўз ичига олади.[5]

Мамлакатимизда ҳам технопарклар ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳридаги Яшнобод туманида инновацион технопаркни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Яшнобод" технопарки ташкил этилди.

"Яшнобод" инновацион технопарки тижорат ва нотижорат ташкилотлари ўртасида бизнес, инвестиция ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик қилиш ҳудуди ҳисобланади.

Технопаркнинг муддати уни узайтириш имконияти билан - 30 йилни ташкил этади.

"Яшнобод" Технопаркининг Дирекцияси ва резидентлари "Яшнабад" технопаркининг амал қилиш муддати давомида амалга оширилган инновацион лойиҳалар бўйича:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ва ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ва таълим, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, реагентлар, компонентлар ва қурилиш материаллари учун божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) инновацион лойиҳалар доирасида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича олиб борилади.

#### **Технологик паркининг асосий фаолияти:**

инновацион лойиҳаларни амалга оширишда тадқиқот ва ривожлантиришни, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини тижоратлаштириш учун кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш;

инновацияларни бошқариш ва маркетинг соҳасида тадбиркорлар ва мутахассислар учун таълимни ташкил этиш;

юқори технологиялар ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга қаратилган илмий-техник лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қўмаклашиш;

қонунларга мувофиқ халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш;

хорижий ва маҳаллий молия институтларини, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ёки тижоратлаштиришда ёрдам берувчи ташкилотлар ва йирик компанияларни жалб қилиш.[6]

Бугунги кунда технопаркда интерактив роботларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Интерастиве Робот Солутионс", композит полимерли элим ишлаб

чиқарувчи "Интеркомпозит", "Вадес Групп", СИМ-карталарни ишлаб чиқариш, 3Д принтерлар билан "Греенсоде", "Патентли имплантлар" ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Турон Силк Пҳарм", микробиологик ўғит ишлаб чиқарадиган Байкал-КМУ " ва бошқалар резидент сифатида фаолият олиб боришади.[7]

**Аммо бизнинг мамлакатимиз учун ушбу технопарк тўлиқ қувватли ҳисобланмайди. Бунга асосий сабаб:**

- АҚШ ва Хитой тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, технопарклар ёки технологик ЭИХларда асосан, инновацион маҳсулот ва хизматларни экспорт қилувчи компаниялар жойлашади, аммо бизда ушбу компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аксарият қисми, миллий бозорда импорт ўрнини босувчи товарлар ҳисобланади;

- Технопаркда рўйхатдан ўтган компаниялар хорижий инвестициялар иштирокидаги ёки миллий ўз маблағи ҳисобидан шакллантирилган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Шу сабабли, инновацияларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши мураккабликларга ва молиявий муаммоларга бориб тақалади;

- Худудда рўйхатдан ўтган венчур ва инвестицион фондларнинг мавжуд эмаслиги. Бундай фондлар инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг асосий дастаги бўлиб ҳисобланади. Афсуски, мамлакатимизда 9 та инвестицион фонд мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам қониқарли эмас. Венчур фондларининг ҳуқуқий асослари мамлакатимизда яратилмаганлиги сабабли, бундай фондлар фаолияти мамлакатда йўлга қўйилмаган. Назарий асосларда кўрганимиздек, технопарклар венчур фондларисиз ривожлана олмайди. Бу икки инновацион инфратузилма параллел ҳолда бир-бирини ва инновацион иқтисодийни ривожлантиради.

**Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ечишда қуйидаги кўп босқичли дастурни таклиф этамиз:**

- Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикасининг "Венчур тадбиркорлиги ва венчур фондларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш лозим. Унга мувофиқ қуйидагиларни бандлар сифатида киритиш лозим:

Венчур компаниялари-венчур молиялаштиришни амалга оширишга йўналтирилган юридик шахслар.

Венчур фондлари-қимматли қоғозларни сотиш орқали шакллантириладиган юридик шахслардир. Шунингдек, венчур маблағлари пенсия фонди, бошқа жамоат фондлари ва сугурта компаниялари маблағлари эвазига ҳам шакллантирилиши мумкин.

Венчур компаниялари ва фондлари камида 51 фоизи таъсисчи ёки таъсисчиларнинг ўз маблағлари бўлган шароитда ташкил этилади.

Венчур компаниялари ва фондлари умумий маблағининг 10 фоизидан ошмаган миқдорини фақатгина бир лойиҳага йўналтириши мумкин.

**Венчур шартномаларини молиялаштириш манбалари қуйидагилардир:**

- венчур фаолияти субъектлари маблағлари;
- акциядорлик жамиятлари томонидан жалб қилинган маблағлар;
- ушбу мақсадлар учун тегишли бюджетлар томонидан тақдим этиладиган республика бюджети ёки маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;
- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, венчур капитали фаолиятига жалб этилган давлат ташкилотлари;
- хорижий инвесторлар;



- халқаро молиявий ташкилотлар ва жамғармалар;
- жисмоний шахсларнинг шахсий жамғармалари.

Давлат илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг амал қилишини тугаллангандан сўнг ишлаб чиқаришда қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, амалий илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун устувор молиялаштиришни таъминлайди.

Дастурларни молиялаштириш манфаатдор томонларнинг иштирокида қайтариладиган асосда амалга оширилади.

Технологик парклар ҳукумат томонидан ташкил этилган, ахборот технологиялари ҳамда инновацион гоёларни амалиётга жорий этишга йўналтирилган юридик шахсдир.

- Иккинчи босқич, мамлакатимиз ЭИХлар базасида Фанлар академияси, Олий таълим муассасалари билан ҳамколикда венчур молиялаштириш тизимини шакллантириш лозим. Унга мувофиқ, давлат венчур фонди тузилади ҳамда ЭИХ қошидаги технопаркда Фанлар академияси, Олий таълим муассасалари томонидан яратилган ишланмалар ва гоёлар венчур фонди томонидан молиялаштирилади.

- Учинчи босқич, технопаркларни ЭИХлар базасидан чиқариш ҳамда имтиёзлар асосида венчур фондларини ташкил этиш. Венчур фондларини ташкил этишда акциядорлик жамияти сифатида, хорижий корхона ҳамда давлат маблағлари жалб қилиниши мумкин бўлади.

Технопарк инновацион маҳсулот ишлаб чиқармас экан, уни экспортга йўналтирмас экан, унинг бошқа ЭИХлардан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Келгусида мамлакатимизнинг инновацион индексдаги рейтингини оширишда ҳамда ЯИМ таркибида илмий-техник тадқиқотларнинг улушини кўтаришда жаҳон стандартларига жавоб берадиган технопарк муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

## References

---

1. [Electronic resource]: <http://kun.uz/17422608>
2. Jarunee Wonglimpiyarat. The dynamic economic engine at Silicon Valley and US government programs in funding innovations. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0166497205001215>
3. J.A.English-Lueck. Silicon Valley reinvents the company town <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0016328700000264>
4. Chen, Ling & Naughton, Barry, 2016. "An institutionalized policy-making mechanism: China's return to techno-industrial policy," Research Policy, Elsevier, vol. 45 (10), pages 2138-2152.
5. Mazur A. A., Stogny V. S., Osadchaya N. V. TECHNOPARKS OF CHINA. SCIENCE TA INNOVACII. № 3, 2006 p.127-134.6. [Electronic resource]: <https://yaran.uz/technopark/>
7. [Electronic resource]: <http://mininnovation.uz/ru/news/tehnopark-jashnabad-predstavil-11-rezidentov-v-ramkah-innoweek-2018>

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ**  
**JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS**

**Маматов Қодиржон Баҳодир ўғли,**

Мустақил тадқиқотчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-2-3>

**РОССИЯ-ХИТОЙ БАНК-МОЛИЯ**  
**АЛОҚАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Аннотация:** мақолада Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги банк-молия алоқаларининг бугунги ҳолати, икки давлат молия тизимида йўлга қўйилган янги ҳисоб-китоб тармоқлари, молия соҳасидаги ҳамкорлигига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлил қилинди

**Калиг сўзлар:** Россия ва Хитой ўртасидаги молия соҳасига оид алоқалар, молия, облигация, фонд, активлар, эмитент, биржа, қимматли қоғозлар ва ҳ.к.

**Маматов Қодиржон Баҳодир ўғли,**

Самостоятельный соискатель

**ОСОБЕННОСТИ РОССИЙСКО-КИТАЙСКИЕ**  
**БАНКОВСКИЕ И ФИНАНСОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ**

**Аннотация:** в статье анализируется современное состояние банковских и финансовых отношений между Российской Федерацией и Китайской Народной Республикой, факторы, которые положительно и отрицательно влияют на сотрудничество двух стран в финансовом секторе и новых платежных системах.

**Ключевые слова:** финансовые отношения между Россией и Китаем, финансы, облигации, акции, активы, эмитенты, биржи, ценные бумаги и так далее.

**Mamatov Kodirzhon Bakhodir ugli,**

Independent researcher

**FEATURES RUSSIAN-CHINESE BANKING**  
**AND FINANCIAL RELATIONS**

**Abstract:** the article analyzes the current state of banking and financial relations between the Russian Federation and the People's Republic of China, factors that positively and negatively affect the cooperation of the two countries in the financial sector and new payment systems.

02/2018

**Key words:** financial relations between Russia and China, finance, bonds, stocks, assets, issuers, stock exchanges, securities, and so on.

**For citation:** Mamatov Kodirzhon Bakhodir ugli. Features Russian-Chinese banking and financial relations. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 18-23

## **Кириш**

**Б**угунги кунда Россия (РФ) ва Хитой (ХХР) икки томонлама муносабатларда иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида банк-молия соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. 2005, 2008 ва 2017 йилда Россия Банки ва Хитой Халқ банки ўртасида банк-молия соҳасини тартибга солиш ва ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган кўпаб келишувлар амалга оширилди. Хусусан, "Россия Федерацияси Молия вазирлиги билан ХХР Молия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида"ги Меморандум ушбу соҳада имзоланган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унда, валюта-молиявий масалалар бўйича ахборот ва тажриба алмашиш, халқаро молия ташкилотлари (Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро манфаатли асосда давлатлар учун молия сиёсати соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг қисқа муддатли курсларини ташкил қилиш каби масалалар кўрилган.

Молия сиёсатини юритиш бозор муносабатлари шароитида молияресурсларини шакллантириш ва уларни қайта тақсимлашни амалга оширувчи муҳим институт ҳисобланиб, иқтисодиётни бир текисдариwoжланишини назорат қилади. Шу жиҳатдан иқтисодиётни ривожлантиришда молия сиёсати "Регулятив" ролни бажаради [1]. Молиявий маблағларнинг шаклланиши ҳамда тақсимланиши жараёнида молиянинг рағбатлантирувчилик функциясини бажариши иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Умуман, ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий тадқиқотчилар орасида айнан Россия ва Хитойнинг банк-молия соҳасидаги ҳамкорлиги етарли даражада ўрганилмаган.

Хусусан, Д.В.Абдулкина, М.В.Александрова, С.А.Курганский ва Д.А.Изотовлар эса ўз тадқиқот ишларида Россия ва Хитойнинг молиявий соҳадаги алоқалари, яъни икки давлат ўртасидаги инвестиция, кредит ва бошқа пул маблағлари бўйича алоқаларнинг айрим жиҳатларини ёритиб берган [2]. Бундан ташқари, россиялик ва хитойлик тадқиқотчилар - К.К.Долгов, Ли Юнцюань, М.Л.Титаренко ҳамда Г.В.Кондратенко илмий изланишларида Россия ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва замонавий тенденцияларини таҳлил этишган.

Уларнинг фикрига кўра, икки давлат алоқаларида стратегик шерикчилик сари интилишлар мавжуд бўлиб, бу АҚШ манфаатларига зид келишини ва икки давлатнинг АҚШга қарши эҳтимолий таҳдидлари мавжудлигини кўрсатиб ўтганлар [3].

## **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада тизимли ёндашувнинг ретроспектив, контент, статистика маълумотлар таҳлили, омилли таҳлил ва экспертлар баҳоси методларидан фойдаланилди.

## Таҳлил ва натижалар

2017 йилда молия соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Россия Банки ва Хитой Халқ банки ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларда хаҳо ва қийинчиликларни олдини олиш ҳамда молия тармоғида самарали фаолиятни шакллантириш бўйича келишув амалга оширилган [4]. Россия ва Хитой ўзаро алоқаларда ҳалқаро муносабатларнинг қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширишда: чегара ҳудудларда барқарорлик, минтақа давлатлари иқтисодий тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, чегараларда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш бўйича биргаликда ҳаракат қилиш тамойиллари шулар жумласидандир.

Сўнги йилларда икки давлат ўртасидаги банк-молия муносабатларида тижорат банклари ва миллий тўлов тизимлари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш масаласи устувор йўналишга айланиб бормоқда. РФ ва ХХР молия соҳасидаги ҳамкорликда асосий эътиборни инвестиция, экспорт-импорт операциялари, кредит ва ташқи қарз бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ишларида миллий валюта, яъни рубль ва юаннинг ҳажмини оширишга қаратмоқда. Ушбу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2017 йилда Хитой Халқ банки миллий валюта операцияларини амалга ошириш учун банклараро (пайментверсупаймент, ПВП) ҳисоб-китоб тизимини ишлаб чиқди [5].

Бундан ташқари, миллий валютадаги ҳисоб-китоблар ҳажми ортиб бормоқда. 2016 йилда ҳам Россия-Хитой чегарасидаги ҳисоб-китоблар суммаси 30,46 млрд. долларни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,7% га ошганлигини кўрсатмоқда [6].

## 1-Жадвал

## Россия ва Хитой ўртасидаги корреспондентлик ҳисоб рақамлари 2011-2017 йиллар кесимида.

Йил	Корреспондентлик ҳисоб рақамлари
2011	111
2012	115
2013	117
2014	122
2015	130
2016	131
2017	134

Ушбу тизим мамлакатлар ўртасида миллий валюта орқали амалга оширилаётган пул операцияси жараёнларидаги кўплаб тўсиқларни камайтиришга туртки бўлди. Шунингдек, трансакцияларни бошқариш соҳасидаги хатарларни камайтириб, халқаро валюта ҳисоб-китобларини самарадорлигини оширди. Натижада биргина 2017 йилнинг биринчи кварталда Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро экспорт операцияларининг 16% , импорт операцияларининг 18% и миллий валюта, яъни рубль ва юанда амалга оширди [7].

Қолаверса, сўнги йилларда Россия ва Хитой ўртасидаги савдо алоқаларида электрон тижоратнинг улуши ортиб бормоқда. Бу икки давлат ўртасидаги молия соҳасидаги ҳамкорликка бўлган талабни оширади. Хусусан, 2017-2018 йиллар оралиғида Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдода электрон тижоратнинг улуши 26.6% ни (1,6 млрд АҚШ долл.) ташкил этган. Баъзи экспертларнинг таъкидлашича, бу кўрсаткич 4 млрд АҚШ долларини ташкил этган. Шунингдек,

Россия халқаро онлайн-савдо бўйича харидларининг 52 % и Хитой ҳиссасига тўғри келмоқда [8].

Ушбу жадвалда Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси йиллар кесимида таҳлил қилинган. Унга қўра, 2014 йилда ўзаро савдо айланмаси 95,28 млрд АҚШ долларни ташкил этган ҳолда 2016 йилга қадар кескин пасайиш суратлари кузатилган. Икки давлат ўртасидаги савдо ҳажмининг тушиши АҚШ ва Фарб давлатларининг Россияга қўллаган иқтисодий санкциялари ва савдо шароитларинг ёмонлашуви билан боғлиқдир[9].

## 2-Жадвал

### Россия-Хитой савдо айланмасининг 2011-2017 йиллар кесимида

Йил	Савдо айланмаси	
	Млрд долл.США	Ўзгариш суръати
2011	79.25	42.7
2012	88.16	11.2
2013	89.21	1.1
2014	95.28	7
2015	68.06	-28.6
2016	69.53	2.2
2017	83.10	20.0

Экспертларнинг таъкидлашича, икки давлат раҳбарияти нафақат анъанавий соҳаларда балки атом-энергетикаси, космонавтика, рақамли иқтисодиёт, авиация ва боўқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдиришмоқда. Бу мамлакатлар ўртасидаги ҳақорлик алоқаларининг янада кенгайишидан далолат беради. Шу билан бирга молия соҳасидаги фаолиятга салбий таъсир кўрсатаётган омилларни ўрганиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

**Бундан ташқари, томонлар ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилишжараёнида бугунги кунда Россия-Хитой муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар аниқланди:**

- АҚШ-ХХР ўртасида давом этаётган савдо уруши шароитида икки мамлакат иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиши;
- ҳукумат идоралари ва давлатлар ўртасидаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи соҳаларида молиялаштириш воситаларини тузлишимос келмаслиги;
- Россия ва Хитой ҳудудларини иқтисодий ривожланиш даражасини тартибга солиш муаммоси;
- Жанубий Хитой денгизи ва Корея ярим оралидаги вазиятининг нобарқарор қолаётганлиги ва бу ҳолат Хитой ташқи сиёсатида таъсир этиши эҳтимоли[10].

Ушбу омиллар икки давлатнингнинг устувор йўналишлар бўйича ҳамкорлигига, хусусан, молия соҳасидаги алоқаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

#### Хулоса ва таклифлар

Юқоридагиларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги вақтда Россия ва Хитой молия соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўзларидаги мавжуд потенциал имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Иккала давлат ҳам ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда истиқболда соҳани ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сурмоқда. Ҳозирги иқтисодий босим шароитида икки давлат ҳам асосан молия соҳасидани

алоқаларда ўзаро ҳисоб-китоб ишларини миллий валюта орқали амалга ошириш амалиётини кучайтирмоқда.

Икки давлатнинг молия соҳасидаги тажрибаларини ўрганишдан мақсад Ўзбекистон Республикасининг молия сиёсати баҳо бериш, ундаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда молия сиёсати механизмин такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

## References

- [1]. Я.Ш.Номозов "Молия сиёсати ва унинг самарадорлиги".-Т. : Ўзбекистон, 2008. - 4 б (Ya.Sh.Nomozov "Financial Policies and Its Effectiveness" .- Т. : Turkey, 2008. - 4 p)
- [2]. Абдулқина Д.В. Сотрудничество банков России и Китая: современное состояние и перспективы // Россия и Китай: история и перспективы сотрудничества: материалы IV междунар. науч.-практ. конф. (Благовещенск - Хэйхэ - Харбин, 14-19 мая 2014 г.). - Благовещенск, 2014. - С.133-139; Александрова М.В. Российско-китайское инвестиционное сотрудничество: вчера, сегодня, завтра // Российско-китайское сотрудничество в Северо-Восточной Азии: к устойчивому развитию и взаимному процветанию: докл. Междунар. рос.-кит. конф. (Южно-Сахалинск, 10-11 октября 2011 г.). - М., 2012. - С.105-117; Курганский С.А. Сотрудничество России и Китая в банковской сфере // Развитие сотрудничества приграничных регионов России и Китая: материалы Междунар. науч.-практ. конф., Маньчжурия, 24-25 сентября 2013 г. - Иркутск, 2014. - С.149-153; Изотов Д.А. Российско-китайская торговля и валютный курс // Пространственная экономика. - Хабаровск, 2012. - №3. С.34-54.
- (Abdulkina D.V. Cooperation of Russian and Chinese banks: current state and prospects / D.V. Abdulkina, E.B. Solokhina // Russia and China: History and Prospects for Cooperation: Materials of the IV Intern. scientific-practical conf. (Blagoveshchensk - Heihe - Harbin, May 14-19, 2014). - Blagoveshchensk, 2014. - P.133-139; Aleksandrova M.V. Russian-Chinese investment cooperation: yesterday, today, tomorrow / / Russian-Chinese cooperation in Northeast Asia: towards sustainable development and mutual prosperity: report. International Russian-whale conf. (Yuzhno-Sakhalinsk, October 10-11, 2011). - М., 2012. - P.105-117; Kurgansky S.A. Cooperation of Russia and China in the banking sector // Development of cooperation between border regions of Russia and China: materials of the Intern. scientific-practical Conf., Manchuria, September 24-25, 2013 - Irkutsk, 2014. - P.149-153; Izotov D.A. Russian-Chinese trade and exchange rate // Spatial economy. - Khabarovsk, 2012. - №3. С.34-54.)
- [3]. К.К. Долгов Россия и Китай: стратегическое партнерство // Междунар. жизнь. - 2014. - №7. - С.154-159; Юнцюань Ли. Продвижение китайско-российских отношений всестороннего стратегического партнерства: проблемы и перспективы // Стратегический партнерский диалог между Россией и Китаем. Современное состояние, проблемы и предложения.- М., 2014. - Кн.1. - С.49-52; М.Л. Титаренко Международный и внутристрановой контекст формирования и развития стратегического партнерства между Россией и Китаем / М.Л. Титаренко, А.В. Виноградов // Стратегический партнерский диалог между Россией и Китаем. Современное состояние, проблемы и предложения. - М., 2014. - Кн.1. - С.11-17; Г.В.
- (К.К. Depts Russia and China: a strategic partnership // Intern. a life. - 2014. - №7. - pp. 154-159 Yongquan Li. Promotion of Chinese-Russian relations of a comprehensive strategic partnership: problems and prospects // Strategic partnership dialogue between Russia and China. Current status, problems and suggestions.- М., 2014. - Кн.1. - С.49-52; M.L. Titarenko International and in-country context of the formation and development of a strategic partnership between Russia and China/ M.L. Titarenko, A.V. Vinogradov // Strategic partnership dialogue between Russia and China. Current status, problems and suggestions. - М., 2014. - Кн.1. - С.11-17; G.V.)
- [4]. <https://www.vedomosti.ru/finance/articles/2017/09/14/733740-bank-rossii>
- [5]. <https://www.vedomosti.ru/finance/articles/2017/09/14/733740-bank-rossii>
- [6]. Годовой отчет Народного Банка Китая за 2000-2016 год. [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.pbc.gov.cn/> (дата обращения: 20.02.2018)
- (Annual report of the People's Bank of China for the years 2000-2016. [Electronic resource]. - URL: <http://www.pbc.gov.cn/> (appeal date: 02/20/2018)
- [7]. Russia & China to extend currency swap agreement to lessen dollar dependence//Russia Today. 31.10.2017.URL: <https://www.rt.com/business/408305-russia-china-currency-swap>

[8]. Бахарев И. Рынок интернет-торговли в 2017 году, данные АКИТ // E-paper. 12.09.2017. URL: <https://www.e-pepper.ru/news/rynok-internet-torgovli-v-2017-godu-dannye-akit.html>

(Bakharev I. Internet commerce market in 2017, ACIT data // E-paper. September 12, 2017. URL: <https://www.e-pepper.ru/news/rynok-internet-torgovli-v-2017-godu-dannye-akit.html>)

[9]. Годовой отчет Комиссии по регулированию банковской деятельности Китая за 2004-2016 год. [Электронный ресурс]. - URL: <http://www.cbrc.gov.cn/>. (дата обращения: 15.01.18)

(Annual report of the Banking Regulatory Commission of China 2004-2016. [Electronic resource]. - URL: <http://www.cbrc.gov.cn/>. (Address: 15/01/18)

[10]. Современные проблемы и перспективы развития финансовых рынков ибанков: монография / коллектив авторов под ред. Н.Э. Соколинской. - М.:КНОРУС, 2018. - 242 с.

(Modern problems and prospects for the development of financial markets in banks: a monograph / group of authors, ed. N.E. Sokolinsky. - M.: KNORUS, 2018. - 242 p.)

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ**  
**JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS**

**Рўзиев Шахбоз Набижон ўғли**

мустақил тадқиқотчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-2-4>

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУКИНИ ҲИМОЯ**  
**КИЛИШДА ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИНИНГ**  
**УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада Жаҳон савдо ташкилоти доирасида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ТРИПС келишувининг ўрни, талаблари ва ҳимоя қилишда ЖСТга аъзо давлатлар томонидан қўлланиладиган усуллар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** жаҳон савдо ташкилоти, интеллектуал мулк объекти,товар белгиси, контрафакт маҳсулотлар, патент, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқ.

**Рузиев Шахбоз Набижон угли**

независимый исследователь

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**  
**ВСЕМИРНОЙ ТОРГОВОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ПО ЗАЩИТЕ**  
**ПРАВ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ**

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются о защита прав интеллектуальной собственности в рамках Всемирной торговой организации методы используемые-членами ВТО и требований соглашения ТРИПС.

**Ключевые слова:** всемирная торговая организация, объект интеллектуальной собственности, товарный знак, контрафактной продукции, патент, авторское право, смежные права.

**Ruziev Shakhboz Nabijon ugli**

independentresearcher

**PRIORITY AREAS OF THE WORLD TRADE**  
**ORGANIZATION FOR THE PROTECTION OF**  
**INTELLECTUAL PROPERTY RIGHTS**

**Annotation:** this article is discussed the protection of intellectual property rights in the World Trade Organization, the methods used by WTO members and the requirements of the TRIPS agreement.

**Key words:** world trade organization, intellectual property, trademark, counterfeit products, patent, copyright, related rights.

02/2018



**For citation:** Ruziev Shakhboz Nabijon ugli. Priority areas of the World Trade Organization for the protection of intellectual property rights. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 24-31

### **Кириш**

**Б**угунги кунда Жаҳон савдо ташкилоти(ЖСТ) га 164 мамлакат аъзо ҳисобланади. ЖСТ расмий сайти маълумотларига кўра, 98 % жаҳон савдоси ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирда 22 давлат ташкилотга аъзо бўлиш мақсадида ариза топширган. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси шулар қаторида.

Мамлакатимиз 2017 йилда ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини қайта бошлади. Бу борада, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини самарали назорат қилиш ва мунтазам мониторингини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Йўл харитаси" тасдиқланди, унда иштирок этиш жараёнини тиклаш ва миллий қонунчиликни мослаштириш учун ҳужжатлар тайёрлашга қаратилган 34 та тадбирлар режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига кириши жараёни тайёргарлик босқичи ишларини самарали ташкил этишни ва тизимли асосда мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрдаги "Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия таркиби тасдиқланди.

ЖСТга аъзо бўлиш жараёни бир нечта босқичдан иборат ва яқинда қўшилган қўшилган мамлакатлар тажрибаси шуни кўриш мумкинки, жараёнлар бир неча йиллар давом этиши мумкин. Ушбу даврда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш натижаларини таҳлил қилиш, баҳолаш, аъзоликнинг салбий ва ижобий жиҳатларни ўрганишга эътибор қаратилади.

ЖСТга кириш жараёнини асосий йўналишлари бўйича ЖСТга аъзо мамлакатлар ишчи гуруҳи билан тасдиқлаши лозим. Хусусан, маҳсулот ва хизматлар бозорига кириш, қишлоқ хўжалигида субсидия улуши, мамлакатларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари ва бошқалар шулар жумласидандир[11].

Мамлакатимизда ушбу соҳада Интеллектуал мулк агентлиги ваколатли ташкилот ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги "Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4168 сонли қарори билан, билан қониқарсиз баҳолашиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги тизимига ўтказилди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш ҳар бир жамият тараққиёти учун муҳим саналади. Интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодий ривожини учун катта амалий аҳамиятга эга. Интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишига қарши жавоб чораларининг етарли эмасли контрафакт маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига сабаб бўлмоқда. Контрафакт товарлар ва қароқчилик маҳсулотлари мамлакат иқтисодиёти ривожига салбий таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади[6].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

ЖСТнинг интеллектуал мулк ҳимояси масаласини алоҳида тадқиқот предмети сифатида бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар ишларида ўрганиб,

ўрганилаётган масаланинг халқаро ҳуқуқий асослари, интеллектуал мулк ҳимоясидаги ЖСТнинг институционал асоси, Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича (ТРИПС) битимининг ўрни, интеллектуал мулк соҳаси объектларининг турлари ва уларни талқин қилишни ўрганишга эътибор қаратган.

Акрамходжаева З.С. интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усул ва воситаларини таҳлил қилиб, улар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқишга эътибор қаратган бўлса[4].

Рус тадқиқотчиси Н.Н.Карпова эса, интеллектуал мулк тушунчасига ўз муаллифлик таърифини бериб, уни ЖСТда ҳимоя қилиш бўйича халқаро нормалар, шунингдек ТРИПС битимини бу соҳадаги бошқа битимлардан фарқини келтириб ўтган. Шу билан бир қаторда ривожланаётган давлатлар учун ЖСТга аъзо бўлиш интеллектуал мулк ҳуқуқини таъминлашда қуйидаги ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатган.

Хусусан, 1) интеллектуал мулк ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш инвестицион иқлимни яхшилаши, 2) интеллектуал мулк ҳуқуқидан фойдаланиш тушунчасининг ягона талқини ишлаб чиқиши (бухгалтерия, солиқ ва молия ҳисоботларида интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳисобини юритиш билан боғлиқ ўзгартириш киритилиши), 3) маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, 4) ташқи савдода дискриминацион чоралардан ҳимоя қилиниши, 5) миллий интеллектуал мулк қонунчилигини халқаро қонунчилик билан уйғунлашиши, 6) миллий бозорда умум қабул қилинган товар белгиларини тан олиниши,

7) контрафакт ва қароқчилик маҳсулотлари миқдори камайишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда, ЖСТ доирасида янги аъзо бўлаётган ривожланаётган давлат учун интеллектуал мулк ҳимоясида қуйидаги салбий жиҳатларни келтириб ўтган: 1) ташқи бозордаги юқори рақобатнинг юзага келиши; 2) саноат соҳасидаги илмий-техникавий экспертизага бўлган талабларнинг камайиши; 3) маҳаллий бозорда товар белгилари ўртасидаги юқори рақобат юзага келиши оқибатида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ўз ўрни йўқотиши; 4) чет эл аризачилари томонидан патент олишда тўланадиган божларнинг давлат бюджетига тушмаслигига олиб келишини қайд этган[5].

#### **Тадқиқот методологияси**


Тадқиқот давомида Республикамызда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳолати илмий-тадқиқот фаолиятининг тизимли ёндашув методи асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш нормалари, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқийтаҳлил қилиниб, ушбу соҳани бошқаришда хориж тажрибаси аҳамиятини ўрганишда ҳуқуқийтаҳлил ва қиёсийтаҳлил методларидан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"га оид давлат дастурида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан музокараларни фаоллаштириш вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастурида интеллектуал мулкга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга эътибор қаратилмоқда[2].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси маълумотларига кўра, сўнги йилларда товар белгиси билан боғлиқ интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилиши ҳолатлари 7 мартага кўпайган


(1-расм) [6].



**1-расм. Товар белгиси билан боғлиқ интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилиши бўйича Давлат рақобат қўмитасига бўлган мурожаатлар сони**  
*Манба: Давлат рақобат қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди*

Шу билан бир қаторда, Интеллектуал мулк агентлиги томонидан контрафакт аудио-видео материаллар, фонограмма ва ЭЎМ дастурлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сони ҳам ўсиб бормоқда

2-расм[7].



**2-расм. Интеллектуал мулк агентлиги томонидан аниқланган контрафакт аудио-видео материаллар, фонограмма ва ЭЎМ дастурлари сони**  
*Манба: Интеллектуал мулк агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди*

Шу боис кейинги йилларда республикада интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш тенденцияларига назар ташласак, бу борада сезиларли ишлар олиб борилаётганлигини кўриш мумкин.

**Ҳозирда, мамлакатимиз куйидаги интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 14 та конвенция, шартнома ва битимларга аъзо ҳисобланади [8]:**

- Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти(ЖИМТ)ни тузиш тўғрисидаги Стокгольм конвенцияси;

- Саноат мулки ҳимояси тўғрисидаги Париж конвенцияси;

- Патент бўйича ҳамкорлик Вашингтон битими;

- Товар белгиси тўғрисидаги қонунлар Женева битими;

- Микроорганизмларга халқаро патент бериш тартиби ва депозитини эътироф этиш тўғрисидаги;

- Товар ва хизматлар ёрлиқларини рўйхатдан ўтказиш ва халқаро таснифи тўғрисидаги Нишца шартномаси;
- Халқаро патент таснифлаш тўғрисидаги Страсбург келишуви;
- Ўсимликларнинг янги турларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро Париж конвенцияси;
- Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома;
- Саноат намуналаринининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно келишуви;
- Ёрлиқларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид протоколи;
- Бадиий-адабий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси;
- Фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини фонограммани ноқонуний равишда фойдаланишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева Конвенцияси;
- ЖИМТнинг ижрочилар ва фонограмма тайёрловчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Рим конвенцияси.

Манба:www.lex.uzсайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Шунингдек, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ҳамкорлик қилишда бир қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти доирасида ва иккитомонолама келишувлар имзоланган[3].

**Мавжуд маълумотлар таҳлилга кўра бундан ташқари, халқаро амалиётда ушбу соҳани тартибга солувчи, Ўзбекистон Республикаси қўшилмаган қуйидаги бир қанча конвенциялар мавжуд:**

- ЖИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги келишуви;
- ЖИМТнинг Интернет тўғрисидаги шартномаси;
- Товар белгилари ҳуқуқи тўғрисидаги Сингапур шартномаси;
- Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага келишуви;
- Кўр, кўриш қобилияти паст ва бошқа имконияти чекланган шахсларга босма асарларни нашр этиш тўғрисидаги Марокаш шартномаси;
- Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича (ТРИПС (TRIPS)) Келишуви шулар жумласидандир.

Халқаро доирада мутлақ ҳуқуқларни самарали муҳофаза қилишда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича (ТРИПС (TRIPS)) Келишувининг ўрни катта.

**ТРИПС келишуви қуйидаги асосий принципларни ўз ичига олади:**

- Миллий режим- хорижий юридик ва жисмоний шахслар ЖСТга аъзо давлатнинг маҳаллий фуқаролари билан бир хилда интеллектуал мулкларини ҳимоя қилинади;
- Кўпроқ қулайлик бериш режими - бирор бир давлат томонидан берилган имтиёз ва имкониятлардан бошқа давлат юридик ва жисмоний шахслари томонидан ушбу имтиёз ва имкониятлардан фойдаланишлари мумкин.

ТРИПС келишуви ЖСТга аъзо давлатлар учун қуйидаги интеллектуал мулк объектларини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун минимал кафолатлар ўрнатади:

- муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектлари;
- товар белгилари;
- келиб чиқиш жой номи;
- саноат намуналари;
- патентлар;
- электрон топологик микросхемалар.

Шунингдек, келишув адолатсиз рақобатга қарши ҳимоя қилиш қоидаларини белгилаб беради. Бу жараёнлар саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси қоидаларига мос келади.

Юқориди санаб ўтилган интеллектуал мулк объектларининг ҳар бирига нисбатан ТРИПС келишувида умумий ва махсус қоидалар белгиланган. Махсус қоидалар муаян объектнинг ҳуқуқий муҳофазасининг ўзига хос хусусиятларини тартибга солади, умумий қоидалар эса, миллий режим ва энг кўп қулайлик бериш тартибини, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини, шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича руҳсат этилган чекловларни кўриб чиқади.

**Келишув интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларимавжуд бўлган товарлар савдосини тартибга солишга қаратилган. Ҳужжатда интеллектуал мулк каoidмутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми очиб берилган. Унга кўра, контрафакт маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва тарқалишига қарши курашдаги асосий чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:**

- миллий ҳамкорлик ва координация - давлат ваколатли органларининг доимий ҳамкорлиги, ахборотлар алмашинувининг йўлга қўйилиши ва уларни мувофиқлаштирувчи органни ташкил этиш;

- халқаро ҳамкорлик - ўзаро ёки коллектив кўринишдаги контрафакт товарлар айланмаси бўйича ахборот базаларини яратиш;

- ҳуқуқ эгасининг ҳамкорлиги - ҳуқуқ эгаси бевосита контрафакт маҳсулотларга қарши курашдаги асосий иштирокчидир;

- суд фаолияти - муддатларни инобатга олган ҳолда ҳолат юзасидан ҳал қилув қарорларини ўз вақтида чиқариб бериш;

- махсус судлар - интеллектуал мулк масалалари учун алоҳида судлар жорий қилиш;

- маъмурий аниқлаш - божхона органларидан ташқари бошқа маъмурий органларнинг ҳам бевосита қатнашиши;

- жиноий суд ишлари - товар белгилари ва муаллифлик ҳуқуқидан ноқонуний тарзда, қасддан фойдаланилган ҳолларда жиноий жазони қўллаш;

- ошкор қилиш таъсири - контрафакт маҳсулотлар юзасидан чиқарилган суд қарорларини жамиятга эълон қилиб бориш;

- чегара назорати - давлат чегарасида ваколатли бир неча органларнинг бир вақтда фаолият олиб боришини таъминлаш орқали назоратни кучайтириш;

- процедураларни тезлаштириш - контрафакцияга гумон қилиниб тўхтатилган товарларни ушлаб туриш вақти 10 кун этиб белгиланган;

- жамият хабардорлиги ва ҳамкорлиги - контрафакт маҳсулотлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиб бориш;

- ахборот ҳуқуқи - ҳар бир товарда тўлиқ маълумотларнинг бўлиши;

- воситачилик (медиация) ва арбитраж - бюрократик тўсиқлар ва халқаро ҳамкорлик - ўзаро ёки коллектив кўринишдаги контрафакт товарлар айланмаси бўйича ахборот базаларини яратиш;

- алоқа ва ахборот таъминоти - ваколатли органлар самарали ишлаши учун ахборот билан таъминлаш[9].

**Ҳозирги кунда, интеллектуал мулк ҳуқуқини ТРИПС келишуви асосида ҳимоя қилишда аъзо давлатлар, асосан, 2 хил усулда олиб борилаётганлигини кўриш мумкин:**

Биринчи усул ҳуқуқ эгасининг аризаси асосида олиб борилади. ТРИПСнинг 4-бўлимида қалбаки савдо белгиси ёки муаллифлик ҳуқуқи ўғирланган маҳсулотларни чегарада тўхташиб қолиш асослари кўрсатиб ўтилган бўлиб,

бундаасо ҳуқуқ эгасининг аризаси (52-модда) ҳисобланади. Кўп мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам янги таҳрирда қабул қилинган Божхона кодексига кўра, ушбу усулдан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган[1].

Иккинчи усул "ex officio" тамойилига асосланади (ТРИПС 58-модда) [10]. Бунда ҳуқуқ эгасининг аризаси бўлмаганда ҳам ваколатли орган интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши юзасидан чоралар кўради. АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон каби мамлакатлар ушбу чоралардан фойдаланишмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилар келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз ЖСТга аъзо бўлишида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда илғор хорижий давлатлар тажрибасини қўллаш самарали бўлади. Келгусида мамлакатимиз ушбу ташкилотга киришида мазкур соҳа механизмларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора - тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ТРИПС Келишуви ва унда иштирок этиш масалаларини ўрганиш ва келгусида интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилган товарларни чегарада ушлаб қолиш имконини берувчи қонунчилик механизмларини такомиллаштириш шу жумладан, "ex officio" тамойилидан фойдаланиш имконини берувчи қонунчилик базасини яратиш;

- ТРИПС келишувида белгиланган интеллектуал мулк масалалари учун алоҳида судлар жорий қилиш.

### **References**

---

1. Customs Code of the Republic of Uzbekistan // National database of legislative acts "Lex.uz", 2016.
2. The State program on implementation of the Action Strategy on five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the year of Active Investments and Social Development was approved by Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of January 17. 2019. DP-5635.
3. National database of legislation of the Republic of Uzbekistan "Lex.uz", 2019.
4. Akramkhadjayeva Z.S. The problems of improving civil legal protection of intellectual property rights: Autoref. Diss. ... can. leg. scien. - T.: TSLI, 2008. - P. 5.
5. Karpova N.N. Russias accession to the WTO and protection of intellectual property- "Russian business", 2012. - P. 17-25.
6. Idris K. Intellectual property is a powerful tool for economic growth: overview // [http://www.wipo.int/freepublications/ru/intproperty/888/wipo\\_pub\\_888\\_1.pdf](http://www.wipo.int/freepublications/ru/intproperty/888/wipo_pub_888_1.pdf).
7. Yashina Yu. protection of intellectual property in Uzbekistan: problems, their solutions // Веб-сайт uzreports.news - <http://www.uzreports.news/analytics/zashita-intellektualnoy-sobstvenosti-v-uzbekistane-problemi-puti-ih-resheniya> 04.04.2018.
8. Bobojonov M.K., Yusupxanova G.Sh. Collection of legal documents regulating activities in the field of intellectual property // Intellectual Property Agency of the Republic of Uzbekistan. T.: 2017. - P. 8.
9. Blakeney M. Guidebook on enforcement of intellectual property rights. Queen Mary Intellectual Property Research Institute Queen Mary. [http://trade.ec.europa.eu/doclib/docs/2005/april/tradoc\\_122641.pdf](http://trade.ec.europa.eu/doclib/docs/2005/april/tradoc_122641.pdf).
10. Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights, (TRIPS).1994 y.
11. Uzbekistanand World Trade Organization// Веб-сайт mft.uz - <http://www.mft.uz/ru/news/ozbekiston-va-butun-jahon-savdo-tashkiloti-14.03.2018>.

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ**  
**JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS**

Маматов Қодиржон Баҳодир ўғли,

Мустақил тадқиқотчи



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-2-5>

**РОССИЯ-ХИТОЙ САВДО-ИҚТИСОДИЙ**  
**ҲАМКОРЛИГИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ**

**Аннотация:** мақола Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги ҳолати, ўзаро савдодаги устувор ва янги йўналишлар, савдо ҳамкорлигига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** Россия ва Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар, ташқи савдо, ташқи савдо айланмаси, экспорт, импорт, товар, савдо, бозор, божхона тизими ва ҳ.к.

Маматов Қодиржон Баҳодир ўғли,

Самостоятельный соискатель

**СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РОССИЙСКО-**  
**КИТАЙСКОГО ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО**  
**СОТРУДНИЧЕСТВА**

**Аннотация:** в данной статье анализируются сегодняшнее состояние торгово-экономических взаимоотношений между Российской Федерацией и Китайской Народной Республикой, приоритетные и новые направления во взаимной торговле и факторы оказывающие положительное и отрицательное влияние на торговое сотрудничество.

**Ключевые слова:** экономические отношения между Россией и Китаем, внешняя торговля, внешне-торговый оборот, экспорт, импорт, товар, торговля, рынок, таможня и т.д.

Mamatov Kodirzhon Bakhodir ugli,

Independent researcher

**THE CURRENT STATE OF RUSSIAN-CHINESE TRADE**  
**AND ECONOMIC COOPERATION**

**Abstract:** This article analyzes the current state of trade and economic relations between the Russian Federation and the People's Republic of China, the priority and new directions in mutual trade and the factors that have a positive and negative impact on trade cooperation.

**Key words:** economic relations between Russia and China, foreign trade, foreign trade, export, import, goods, trade, market, customs, etc.

02/2018

**For citation:** Mamatov Kodirzhon Bakhodir ugli., The current state of Russian-Chinese trade and economic cooperation. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 31-35

## **Кириш**

**С**ўнги йилларда Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар, хусусан, энергетика ва электрон тижорат соҳасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Бунга, асосан, икки давлат ҳукуматининг мамлакат иқтисодий салоҳиятини қайта тиклаш бўйича ташаббуслари ҳамда АҚШнинг Россия ва Хитойга нисбатан қўллаётган санкциялари туртки бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида икки давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилганлиги ёки аксинча паст даражада эканлигининг асосий кўрсаткичлардан бири савдо-иқтисодий алоқалардир. Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон бугунги кунда ҳар иккала давлат билан стратегик ҳамкорлар сифатида ташқи савдо ҳамда инвестицион фаолият йўналишларида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Россия ва Хитой икки томонлама муносабатларда иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Икки давлат ўртасидаги ўзароташқи савдо айланмаси йил сайин ошиб, унда ҳар иккала давлат экспортининг улуши импортга нисбатан ижобий сальдони ташкил этмоқда. Бироқ, Россия ва Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга икки давлат савдо компанияларига қўйилган айрим чекловлар, маҳсулотларни диверсификация қилиш ҳамда транспорт инфратузилмасини яхшилаш сингари айрим муаммолар салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Айни пайтда, икки давлат ҳукумати 2020 йилга қадар ўзаро савдо айланмасини 200 млрд АҚШ долларга етказишни устувор мақсад сифатида илгари сурмоқда ҳамда бунга тўсиқ бўлаётган салбий омилларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Россия ва Хитой ўзаро алоқаларда халқаро муносабатларнинг қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширмоқда: чегара ҳудудларда барқарорлик, минтақа давлатлари иқтисодий тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, чегараларда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш бўйича биргаликда ҳаракат қилиш тамойиллари шулар жумласидандир. Қолаверса, ўзаро савдо ҳамкорлигининг ривожланишига қуйидаги омиллар ижобий таъсир кўрсатмоқда:**

- хомашё бозоридаги нархларнинг ўсиши;
- Россия иқтисодиётининг тикланаётганлиги;
- Хитой иқтисодиётининг жадал ривожланаётганлиги кабилар[1].

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ҳозирга қадар бўйича хорижий ва маҳаллий доирада қилинган илмий ишлар, монография ва турли мақолаларда мазкур мавзунинг маълум бир қисми ўрганилган.

Хусусан, Н.А.Мардеян, Чан Бинь, А.П.Суходолов ва К.К.Гасановалар ўз илмий тадқиқот ишларида Россия ва Хитойнинг иқтисодий алоқалари, хусусан, иқтисодий алоқаларда энергияресурсларининг асосий ўринни эгаллаб келаётганлигини таъкидлаб, бир томондан, Хитойнинг ўз энергия хавфсизлигига катта эътибор қаратаётганлиги, иккинчи томондан Россиянинг санкциялар туфайли ташқи алоқаларининг қийинлашуви икки давлатни яқинлаштирувчи омил эканлигини кўрсатганлар. Шунингдек, икки давлат



ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг тарихи, ривожланиши ва истиқболлари ёритиб берилган [2].

Бундан ташқари, Х.Х.Игамбердиев Хитойнинг Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий фаолиятининг айрим жиҳатлари ва Шинжон Уйғур автономреспубликасининг (ШУАР) Хитой хавфсизлигига таъсирини кенг қамровли ўрганган. З.Т.Мураталиеванинг номзодлик иши икки давлатнинг ШХТ доирасидаги минтақавий сиёсатини таҳлилига бағишланган [3].


#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада мавзуга доир миллий ва хорижий тадқиқодчиларнинг диссертация, мақолаларини таҳлил қилиш ҳамда ёндашуви ва қарашларини тадқиқ этиш, уларга нисбатан муаллифлик муносабатини билдириш, шунингдек омили, қиёсий ва статистик таҳлидан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Сўнги йилларда Россия ва Хитойнинг ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигида изчил равишда ўсиш қайд этилмоқда.

Хусусан, 2017 йилда икки давлат ўзаро савдо айланмасида 2015 йил (68,1 млрд \$) га нисбатан етарли даражада ўсиш қайд этилган. Россия ОАВ маълумотиغا кўра, ўзаро савдо айланмаси 31.5 % ни (87 млрд \$) ташкил этмоқда. Аммо, Хитой ОАВ томонидан ушбу кўрсаткич 20.8% (84.1 млрд \$) кўринишида берилди. Охири 2018 йилда эса Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси 97,2 млрд АҚШ долларни ташкил этди [4]. Умумуман, икки давлат ўртасидаги савдо айланмасида динамик ўсиш йиллар кесимида ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.



**Гистограмма 1. РФ ва ХХРнинг ўзаро савдо айланмаси йиллар кесимида [5].**

Россия элчиси Андрей Денисовнинг таъкидлашича, Россия ва Хитойнинг савдо-иқтисодий алоқаларида энергетика соҳаси асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Бу бир томондан, Хитойнинг ўз энергия хавфсизлигига катта эътибор қаратаётганлиги, иккинчи томондан Россиянинг санкциялар туфайли ташқи алоқаларининг қийинлашуви билан боғлиқдир. 2018 йилда Россиядан 50.5 млн т (ўсиш 12.5 %) нефт маҳсулотлари Хитойга экспорт қилинган [6]. Охири йиллар ушбу йўналишда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик бошқа йўналишларга қараганда жадал суратларда ошиб бормоқда, бунга Россияда потенциал энергияресурсларнинг мавжудлиги ва Хитойнинг ўсиб бораётган эҳтиёжи сабаб бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, сўнги йилларда электрон тижорат Россия ва Хитой ўртасидаги савдо алоқаларининг янги кўриниши сифатида такомиллашиб бормоқда. 2017 йилда икки томонлама савдонинг ўсишида электрон тижорат муҳим рол ўйнади. 2017-2018 йиллар ораллигида Россия ва Хитой ўртасидаги ўзаро савдода электрон

тижоратнинг улуши 26.6 % ни (1,6 млрд АҚШ долл.) ташкил этган. Баъзи экспертларнинг таъкидлашича, бу кўрсаткич 4 млрд АҚШ долларни ташкил этган. Шунингдек, Россия халқаро онлайн-савдо бўйича харидларининг 52 % и Хитой ҳиссасига тўғри келмоқда [7].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда Россиянинг электрон тижорат тармоғида Хитойнинг AliExpress интернет-платформасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Сабаби компания россиялик харидорларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда мақсадида товарларни рус тилида қидириш учун "Яндек" дан экспертларни жалб қилиш ва товарларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш каби хизматларни йўлга қўйган. Шунингдек, 2018 йилнинг 1 мартдан товарлани муҳокама қилиш бўйича AliExpress Connect ижтимоий тармўғи жорий қилинди. Мақсад "ижтимоий фикр лидерлари"ни тармоғдаги электрон тижорат муҳокамасига жалб қилиш орқали Хитойда электрон тижорат бўйича аҳоли фикрини шакиллантириш [8]. Умуман, AliExpress интернет-платформаси Россияда электрон тижоратни ривожлантиришга ҳамда Хитой смартфонлари харидини ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодий форуми(ЖИФ) маълумотларига кўра, 2016 йилгача давлатлар ўртасидаги божхона божлари, тарифсиз тўсиқлар, процедуралар ва юқори харажатлар, транспорт йўналишлари, маҳаллий халқаро ташиш коридорлари, чегара ҳудуддаги коррупция сингари салбий омилларнинг мавжудлиги ўзаро савдода экспорт-импорт харажатларини оширган. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 2017 йилнинг 1 октябрида ЕвроЕИК ва Хитой ўртасида 10 та бўлимдан иборат бўлган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ушбу йирик савдо битими қуйдагиларни ўз ичига қамраб олади: божхона ва савдо-сотикни осонлаштириш, интеллектуал мулк, тармоқлараро ҳамкорлик, электрон тижорат ва рақобат кабилардир [9]. Шу ўринда, шартнома тузилгандан сўнг, томонлар зиммасига ўзаро алоқаларда бизнес сифатини такомиллаштириш, савдо ва инвестицияларни соддалаштириш ва қулай инвестицион муҳитни шакиллантириш бўйича вазифалар ҳам юклатилган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги вақтда Россия-Хитой савдо-иқтисодий алоқаларида 2015 йилдан буён ижобий томонга ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Икки давлат раҳбарияти ўзаро алоқаларга тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича янги таклифларни илгари сурмоқда. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликда бошқа соҳаларга қараганда энергетика ва электрон тижорат соҳаларининг улуши ортиб бормоқда. Фарб экспертларининг сўзларига кўра, Хитой ҳозирги вақтда Россиянинг етакчи савдо-иқтисодий шериги сифатида "мустаҳкамланиб олди". Шундай экан, келгусида бу икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигида савдо-иқтисодий алоқалар устувор йўналиш бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, Россия-Хитой алоқаларининг ривожланиши Ўзбекистоннинг манфаатларига тўғри келиб, республика учун янги савдо бозорларини сони ортиши ва инвестиция оқимининг ўсишига имконият яратди.

Россия ва Хитойнинг савдо-иқтисодий муносабатлар борасидаги тажрибасини ўрганиш натижасида маълум бўлдики, Ўзбекистон учун чегарадош ҳудудларда тадбиркорларининг доимий фаолиятини ташкиллаштириш мақсадида хусусий ва давлат тасарруфидаги савдо уйлари очиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## References

- [1]. К.К. Долгов Россия и Китай: стратегическое партнерство // Междунар. жизнь. - 2014. - №7. - С.154-159; Юнцюань Ли. Продвижение китайско-российских отношений всестороннего стратегического партнерства: проблемы и перспективы // Стратегический партнерский диалог между Россией и Китаем. Современное состояние, проблемы и предложения.-М., 2014. - Кн.1. - С.49-50.
- (К.К. Dolgov. Russia and China: a strategic partnership // Intern. a life. - 2014. - №7. - pp. 154-59; Yongquan Li. Promotion of China-Russian relations of a comprehensive strategic partnership: problems and prospects // Strategic partnership dialogue between Russia and China. Current status, problems and suggestions.- M., 2014. - Kn.1. - P.49-50.)
- [2]. К.К. Долгов Россия и Китай: стратегическое партнерство // Междунар. жизнь. - 2014. - №7. - С.154-159; Юнцюань Ли. Продвижение китайско-российских отношений всестороннего стратегического партнерства: проблемы и перспективы // Стратегический партнерский диалог между Россией и Китаем. Современное состояние, проблемы и предложения.-М., 2014. - Кн.1. - С.49-50.
- (К.К. Dolgov. Russia and China: a strategic partnership // Intern. a life. - 2014. - №7. - pp. 154-59; Yongquan Li. Promotion of China-Russian relations of a comprehensive strategic partnership: problems and prospects // Strategic partnership dialogue between Russia and China. Current status, problems and suggestions.- M., 2014. - Kn.1. - P.49-50.)
- [3]. Игамбердиев Х.Х. Геополитика Китайской Народной Республики в Центральной Азии (ШУАР). - Т.: "Фан". 2007; Мураталиева З.Т. Региональная политика России и Китая в Центральной Азии и ШОС как фактор взаимодействия. - М.: Автореф. дисс. СПКПН. 2010.
- (Igamberdiev Kh.H. Geopolitics of the People's Republic of China in Central Asia (SHUAR). - T.: "Fan". 2007; Z.T. Murataliyeva Regional policy of Russia and China in Central Asia and the SCO as a factor of interaction. - M.: Avtoref. diss. SPKPN. 2010)
- [4]. Российско-китайский диалог: модель 2018: доклад № 39/2018 / [С.Г. Лузянин (рук.) и др.; Х. Чжао (рук.) и др.]; [гл. ред. И.С. Иванов]; Российский совет по международным делам (РСМД). - М.: НП РСМД, 2018. - 243 с. - Авт. и ред. указаны на обороте тит. л.
- (Russian-Chinese dialogue: model 2018: Report No. 39/2018 / [S.G. Luzyanin (hand.) And others; H. Zhao (hand.) And others]; [ch. ed. I.S. Ivanov]; Russian Council on International Affairs (INF). - M.: NP RSMД, 2018. - 243 p. - Auth. and ed. indicated on the back of tit. L)
- [5]. Россия: Статистика внешней торговли. По данным ФТС России. // Ru-Stat.com. <http://ru-stat.com/dateM201701-201712/RU/export/IR>
- (Russia: Foreign Trade Statistics. According to the Federal Customs Service of Russia. // Ru-Stat.com. <http://ru-stat.com/dateM201701-201712/RU/export/IR>)
- [6]. Россия: Статистика внешней торговли. По данным ФТС России. // Ru-Stat.com. <http://ru-stat.com/dateM201701-201712/RU/export/IR>
- (Russia: Foreign Trade Statistics. According to the Federal Customs Service of Russia. // Ru-Stat.com. <http://ru-stat.com/dateM201701-201712/RU/export/IR>)
- [7]. Россия: Статистика внешней торговли. По данным ФТС России. // Ru-Stat.com. <http://ru-stat.com/dateM201701-201712/RU/export/IR>
- (Russia: Foreign Trade Statistics. According to the Federal Customs Service of Russia. // Ru-Stat.com. <http://ru-stat.com/dateM201701-201712/RU/export/IR>)
- [8]. Бахареv И. Рынок интернет-торговли в 2017 году, данные АКИТ // E-paper. 12.09.2017. URL: <https://www.e-pepper.ru/news/rynok-internet-torgovli-v-2017-godu-dannye-akit.html>
- (Bakharev I. Internet commerce market in 2017, ACIT data // E-paper. September 12, 2017. URL: <https://www.e-pepper.ru/news/rynok-internet-torgovli-v-2017-godu-dannye-akit.html>)
- [9]. Аналитическая справка и статистические данные по внешней торговле России и Китая в 2017 г. Торговое представительство Российской Федерации в Китайской Народной Республике. URL: <https://www.ved.gov.ru/files/images/2018/02/Analytical%20background%20and%20statistics%20in%20the%20>
- (Analytical reference and statistical data on foreign trade of Russia and China in 2017. Trade representation of the Russian Federation in the People's Republic of China. URL: <https://www.ved.gov.ru/files/images/2018/02/Analytical%20background%20and%20statistics%20in%20the%20>)

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ**  
**JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS**

**Khaydarova M.Sh,**

TSEU masters department  
"Demography. Labor economics"



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-2-6>

**THE FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF  
LABOR MARKET IN THE CONDITIONS OF INNOVATIVE  
ECONOMY**

**Abstract:** The article shows the importance and role of labor market modeling in the innovative economy. Today, some authors, including Becker G. consider that the economic growth and labor markets stability consists not only personal properties, but also innovativeness of the labor market. Accordingly, innovativeness of the labor market related with some factors that lead to creating innovation not only in the labor market but also in the whole economy. The main aim of our research is to analyze, systematize the factors affecting the level of innovativeness of the labor market and to identify the relationship between innovation and the characteristics of its activities.

**Key words:** labor market, innovations, social innovativeness, indirect factors, direct factors, internal factors, external factors.

**Хайдарова М.Ш,**

ТГЭУ магистратура "Демография. Экономика труда"

**ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ РЫНКА ТРУДА  
В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Аннотация:** в статье показана важность и роль моделирования рынка труда в инновационной экономике. Сегодня некоторые авторы, в том числе Беккер Г. Утверждают что экономический рост и стабильность на рынке труда состоят не только из личных благ, но и из инновативности рынка труда. Соответственно, инновативность рынка труда связана с некоторыми факторами, которые приводят к созданию инноваций не только на рынке труда, но и во всей экономике. Основной целью нашего исследования является анализ, систематизация факторов, влияющих на уровень инновативности рынка труда, а также выявление взаимосвязи между инновациями и характеристиками его деятельности.

**Ключевые слова:** рынок труда, инновации, социальные инновации, косвенные факторы, непосредственные факторы, внутренние факторы, внешние факторы

## INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA MEHNAT BOZORINING RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETADIGAN OMILLAR

**Annotatsiya:** Maqola innovatsion iqtisodiyotda mehnat bozorini modellashtirishning ahamiyati va rolini ko'rsatadi. Bugungi kunda, ba'zi mualliflar, jumladan, Bekker G.ning fikricha, mehnat bozorida iqtisodiy o'sish va barqarorlik nafaqat shaxsiy manfaatlardan, balki mehnat bozorida innovatsionlikni ham o'z ichiga oladi. Shunga muvofiq, mehnat bozorining innovatsionligi nafaqat mehnat bozorida, balki butun iqtisodiyotda innovatsiyalarni yaratishga olib keladigan ayrim hollar bilan bog'liq. Tadqiqotimizning asosiy maqsadi mehnat bozorida innovatsiyalar darajasiga ta'sir ko'rsatadigan omillarni tahlil qilish, tizimlashtirish, shuningdek, innovatsiya va uning faoliyati xususiyatlari o'rtasidagi munosabatlarni aniqlashdan iborat.

**Kalit so'zlar:** mehnat bozori, innovatsiyaalar, ijtimoiy innovatsiyalar, bilvosita omillar, bevosita omillar, ichki omillar, tashqi omillar

**For citation:** Khaydarova M.Sh. The factors affecting the development of labor market in the conditions of innovative economy. 2019, 2 vol., issue 1, pp. 36-40


### Introduction

In modern economic conditions, that is characterized by the competition, the successful functioning and remaining sustainable of the economy of enterprises, but also the national economy as a whole, is impossible without highly developed innovation system. In these terms innovative activity of all participants of labor market is being very crucial day by day. We can name this kind of innovative activity as social innovations just because, the results of these innovative activities lead to economic growth by improving social sphere of our economy. Nowadays, the problem of studying innovations and the factors influencing innovations in any sphere of the economy is not new. This theme has been studied from early 2000s. For instance, the Yonsei University economist Ye Seul Choi in his research find out that the role of technological innovation is especially important in Korean economy because the country has experienced remarkable economic growth driven by technological innovation since 1990. The Korean government has been aware of the importance of developing technological advantages through innovation activity since the early 1990s, extending the inter-regional industrial link structure, and shifting the locus of research and development (R&D) from the government to private firms. This increasing awareness of the role of technological innovation in Korea was also reflected in the explosive growth in patent applications since the 1990s, which soared dramatically from 127,810 to 430,164 from 1992 to 2013.

Moreover, Russian economists V. Yachmeneva and G. Vol'ska studied the factors influencing the enterprise innovations and according to this research, they separate such kind of factors into two main groups: factors of indirect impact and factors of direct impact. And then they separate sub-groups such as political, social, legal, environmental, economic factors and show positive results. Maybe, this kind of classification is acceptable for micro sphere but for the social innovation sphere of the economy it can not be fully accepted. That's why we offer the classification proceeding from the object of our study (labor market).


Reforms in the modernization of production in our country require not only the modernization of technologies and technological processes used in enterprises, but also an innovative approach to management and accounting. In this context, it is extremely important to study some aspects that are used in assessing products produced by an enterprise. The diagram below shows the dynamics of enterprises and organizations producing innovative goods, works and services on own account in recent years.

**Figure 1**  
**Number of enterprises and organizations producing innovative goods, works and services (2010-2016)**



The number of enterprises and organizations producing innovative goods, works and services grew up 8 times from 2010 to 2016 from 289 to 2374 units. Enterprises that first mastered the production of innovative products, works and services increased by 696 units.


**Figure 2**  
**Volume of innovative products, works and services produced in 2016 (VAT and excluding tax)**



In the context of territories in 2016, the share of innovative products, works and services in the city of Tashkent was 48 percent, the Republic of Karakalpakstan - 18.3 percent, Tashkent region - 9.3 percent and the Andizhan region - 8.3 percent, the rest regions - 16,1 percent In 2010, innovations were financed mainly at the expense of the organization's own funds (69.7 percent). Since 2014, the share of other funds has increased (55.4 percent). In 2016, financing at the expense of the organization's own funds increased 6.4-fold compared with 2010.

In 2016, costs of technological, marketing and organizational innovations were financed at the expense of own funds - 45.9 percent (1180.0 billion soums), foreign capital - 12.2 percent (314.9 billion soums), commercial bank credits - 6.1 percent (157.3 billion soums) and other funds - 35.7 percent (919.1 billion soums). In 2016, 893 enterprises and organizations implemented 1816 types of technological innovation. Out of the implemented technological innovations 44 percent (799) belong to small enterprises and microfirms.

**Figure 3**  
**Number of organizations implementing innovations and number of innovations.(2016)**



In 2016, each innovation-active organization introduced an average of 2 innovations. In particular, each innovative-active organization implemented 3 innovations in Andizhan region, Fergana region and in the city of Tashkent, an average of 2 innovations in Bukhara, Kashkadarya, Navoi, Samarkand, Syrdarya and Tashkent regions, an average of 1 innovation in the Republic of Karakalpakstan, Djizhak, Namangan, Surkhaniya and Khorezm regions.

There are several factors that are actual and influence the innovativeness of the labor market in our economy. First, we are going to analyze the relationship among these factors and then classify them. In this way, we can choose the factors which influence to grow up the number of innovations not only in the organizations but also the whole labor market such as the cost of organizational factors (HR policy, HR performance, the organization of labor), total number of labor force, foreign investments for innovations, commercial bank credits, private investments for our factorial analysis.

**Table 1**  
**The factors which affect to grow up the number of innovations (2010-2016 years)**

Year	Total number of labor force	Number of innovations	The cost of organizational factors (bln soums)	Foreign investments	Commercial bank credits
2010	12978386	264,4	184,3	48,3	30
2011	13434524	372,6	263,2	24,9	63,7
2012	13748132	311,9	213,4	39,9	26,8
2013	14075945	4634,2	2501,5	1228,7	533,5
2014	14405658	3757,4	1381,5	32,3	262,5
2015	14721576	5528,3	1251,8	156,6	280,1
2016	15030659	2571,4	1180	314,9	157,3

H1: the cost of organizational factors strongly related with the innovation growth  
We use the statistic app Minitab 16 for checking our hypothesis'.

**Table 2 given below shows the descriptive statistics of our variables.**

Variables	Mean	StDev	Minimum	Maximum
Total number of labour force (bln.p)	14056411	725474	12978386	15030659
Number of innovations	2491	2222	264	5528
Cost of organizational factors (bln sum)	997	849	184	2502
Foreign investments (bln sum)	264	438	25	1229
Commercialbank credits (bln. sum)	193,4	182,8	26,8	533,5

H2: the total number of labor force is the strong factor that impact the growth of innovations

H3: foreign investments have weak impact on the number of innovations

H4: commercial bank credits is the strong factor influencing to the innovation growth.

We tested hypotheses using regression analysis to determine the relativeness among factors. Our regression equation is

$$NOI = - 0,000009 LF + 1,31 COF - 3,86 FI + 12,1 cbc$$

$$S = 1686,91 \quad R-Sq = 52,0\% \quad R-Sq(adj) = 42,4\%$$

According to our regression model the total number of labor force and foreign investments have the adverse impact on the growth of innovations that's why we can call them as weak factors. And cost of organizational factors and commercial bank credits are the strong factors influencing the number of innovations in our country.

We can conclude that, creating or implementing innovations is not depended by the macro factors such as labor force number or foreign investments. Innovations' growth is related with micro factors which lead to reducing different risks for innovations.

## References

1. Factors influencing the enterprise innovation V. Yachmeneva, G. Vol's'ka Management Department, The National Academy of Environmental Protection and Resort Development, 95049 Simferopol, Kievskaya street 181; smart.sea.gal@gmail.com Received January 19.2014: accepted February 20.2014

2. Factors which influence the development of social innovation in Latvia. Lasma Dobele. Dr. Assistant professor The faculty of Economics and social development, Latvia University of Agriculture. Proceedings of the 2015 International Conference "Economic science for rural development" № 40 Jelgava, 23-24 April 2015, pp. 226-238

3. Contextual Factors Affecting the Innovation Performance of Manufacturing SMEs in Korea: A Structural Equation Modeling Approach Ye Seul Choi and Up Lim \* Department of Urban Planning and Engineering, Yonsei University, 50 Yonsei-ro, Seodaemun-gu, Seoul 03722, Korea; yeseul.choi@yonsei.ac.kr \* Correspondence: uplim@yonsei.ac.kr; Tel.: +82-2-2123-5897 Received: 17 March 2017; Accepted: 1 July 2017; Published: 6 July 2017

4. www.stat.uz



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ИННОВАЦИЯ В ЭКОНОМИКЕ JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

**И.М. Алимардонов,**  
Тошкент молия институти профессори, и.ф.д.

**Ш.Т. Ибодуллаев,**  
Тошкент молия институти талабаси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-1-7>

### МАМЛАКАТ БАНКЛАРИ АМАЛИЁТИГА ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** инновацион маҳсулотларни тижорат банклари амалиётига жорий этиш уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат банкларини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказишни таъминлаш вазифаси қўйилган[1].

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётига инновацион маҳсулотларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, инновацион маҳсулот, овердрафт, контокоррент, факторинг, форфейтинг, пластик карта, фоиз ставкаси, тўловлар кетма-кетлиги.

**И.М. Алимардонов,**  
профессор Ташкентского финансового института, д.э.н.

**Ш.Т. Ибодуллаев,**  
студент Ташкентского финансового института

### АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОДУКТОВ В ПРАКТИКЕ ОТЕЧЕСТВЕННЫХ БАНКОВ

**Аннотация:** внедрение инновационных продуктов в практике коммерческих банков является одним из обязательных условий обеспечения их конкурентоспособности. Поэтому в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача обеспечить перевод отечественных банков инновационному пути развития.

В статье выявлены проблемы, связанные с внедрением инновационных продуктов в практике коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

